

## А Ж Р И М

(жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида)

2025 йил февраль ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, Наманган шаҳар Маданият Маркази биносига, сайёр суд мажлисида, шаҳар судининг судьяси М.Маматбаеванинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Набижановнинг котиблигида, Давлатобод тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Х.Геройжоновнинг иштирокида, Янги Наманган тумани ИИБ Пробаця хизмати инспектори Э.Хақимов ва маҳкум М.Сайдуллаевнинг қатнашувида, Янги Наманган тумани ИИБ бошлиғининг маҳкум Сайдуллаев Мусохон Олим ўғлига нисбатан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги 1-1601-2409/48-сонли тақдимномаси ва унга илова қилинган хужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Маҳкум Сайдуллаев Мусохон Олим ўғли, 27.02.1991 йилда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, Янги Наманган тумани, Ёшлик МФЙ, 3-Сарбон кўчаси, 7-уйда яшайди, муқаддам ЖИБ Наманган шаҳар судининг 11.01.2024 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, 2 йил муддатга иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ўталган жазоси 10 ой 7 кун ташкил қилади, ўталмай қолган муддати 1 йил 1 ой 23 кунни ташкил қилади.

Тақдимномада, маҳкум М.Сайдуллаевга нисбатан чиқарилган суд ҳукми Янги Наманган тумани ИИБ ЖХХ Пробаця хизматига 18.03.2024 йилда ҳисобга олиниб, жазони ҳалол ўтаб келаётгани, жазони ўташ тартиб-қоидаларига тўлиқ риоя қилаётгани, ойлик иш ҳақидан ушланмалари бўйича тўлов топшириқномаларини ўз вақтида Пробаця хизматига тақдим қилаётгани, жазони ўташ даврида қайта жиноят содир этмагани, маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилмагани, жазодан ўзига тегишли хулоса чиқариб, қатъий тузалиш йўлига ўтгани, доимий равишда бўлим ва профилактика инспекторлари назоратида бўлгани, 01.04.2024 йилдан “Азизбек патир нон” МЧЖда ишчи вазифасига ишга жойлаштирилган, ҳозирги кунга қадар ушбу МЧЖда ишлаб келаётганлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифлангани, ўталмай қолган жазоси 1 йил 1 ой 23 кунни ташкил этиши баён қилиниб, жазонинг ўталмай қолган қисмидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилиш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасида



“Озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш маҳкум:

а) “ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатдан ҳам ўтаб бўлган бўлса қўлланилиши мумкинлиги” кўрсатилган.

Суд, тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, очиқ суд мажлисида прокурор ва Пробация хизмати инспекторининг фикрларини, маҳкум М.Сайдуллаевнинг кўрсатувини тинглаб, маҳкум М.Сайдуллаев жазони ўташ даврида ўрнатилган тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя қилгани, Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисми “а” бандида белгиланганидек тайинланган жазонинг камида учдан бир қисмини, жазони ўташ даврида қайта жиноят содир этмагани, маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилмагани, жазодан ўзига тегишли хулоса чиқариб, қатъий тузалиш йўлига ўтгани ва шахси ижобий тавсифланганлигини инобатга олиб, тақдимномани қаноатлантиришни, маҳкум М.Сайдуллаевни ўталмай қолган жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 423 ва 536-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисми “а” бандини қўллаб, ажрим қилади

#### АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Янги Наманган тумани ИИБ бошлиғи томонидан киритилган тақдимнома қаноатлантирилсин.

Маҳкум Сайдуллаев Мусохон Олим ўғли ўталмай қолган 1 йил 1 ой 23 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Маҳкум М.Сайдуллаевга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниб, жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган тақдирда унга нисбатан суд томонидан Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши тушунтирилсин.

Ажрим нусхаси ижро учун Янги Наманган тумани ИИБга ва маълумот учун Наманган вилоят ИИБ Ахборот марказига юборилсин.



Ажримдан норози томонлар шу суд орқали Наманган вилоят судига кассация тартибида шикоят бериши ёки хусусий протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

М.Маматбаева

Ҳужжат имзоланган: Маматбаева Моҳидил Ганиевна, 10.02.2025

